

Аммора Маъвалийдан ривоят қилинади:

«Ҳасандан:

«Бирр нима?» деб сўрадим.

«Муҳаббат ва борини сарфлаш», деди.

«Оқ бўлиш нима?» дедим.

«Икковларини маҳрум ва ҳижрон қилишинг», деди.

Сўнгра: «Шўринг қургур, ҳатто ота-онангинг юзига боқишинг ҳам ибодатлигини билмайсанми? Икковига яхшилик қилиш қандай бўлишини ўзинг билиб олавер», деди».

Шарҳ: Ушбу ривоятдан ота-онага яхшилик қилиш ва уларга оқ бўлиш маънавий ҳамда моддий кўринишларга эга эканини билиб оламиз, чунки «Бирр нима?» деган саволга «Муҳаббат ва борини сарфлаш», деб жавоб берилди.

Ота-онага муҳаббат қилиш маънавий амал. Уларга бор молини сарфлаш эса моддий-молиявий амалдир.

Шунингдек, «Оқ бўлиш нима?» деган саволга «Икковларини маҳрум ва ҳижрон қилишинг», деб жавоб берилди. Ота-онани иқтисодий ёрдамдан маҳрум қилиш моддий-молиявий амал бўлса, уларни ҳижронга қўйиш маънавий фаолиятдир.

Имом Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳининг «Шўринг қургур, ҳатто ота-онангинг юзига боқишинг ҳам ибодатлигини билмайсанми? Икковига яхшилик қилиш қандай бўлишини ўзинг билиб олавер» деган гапларидан ҳам чуқур маънолар келиб чиқади.

Демак, ота-онанинг юзига назар солишнинг ўзи ибодат экан. Фарзанд учун ота-онага яхшилик қилиб, уларнинг розилигини топиб, дуосини олиш ибодатларнинг афзали, яхши, хайрли ва баракали амал бўлар экан. Шунинг учун ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг хурсандчилиги, розилиги учун ҳаракатда бўлиш ҳар бир фарзанднинг бурчи ҳисобланиб келган, бу маъно доимо қайта-қайта такрорланади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, «бирр»нинг маъноси шуки, ота-онангни яхши кўрасан ва муҳаббат қўясан,

керак бўлганда, уларнинг розилиги ва хурсандчилиги учун ўзингдаги бор нарсани сарфлайсан. Шунда уларга яхшилик қилган бўласан.

Ота-онага оқ бўлиш қандай бўлади? Оқ бўлиш ота-онангдан хабар олмай қўйишинг ва уларни маҳрум қилиб, ўзингдаги нарсани бермай қўйишингдир.

Демак, бола ота-онасидан хабар олмай қўйса, уларга етарли меҳр кўрсатмаса ва улар муҳтож бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни бермай қўйса, оқ бўлар экан. Бунинг учун унинг отаси одамларнинг олдида: «Гувоҳ бўлинглар, ўғлимни оқ қилдим, қизимни оқ қилдим» дейиши шарт эмас экан. Боланинг ўзи ота-онасига қарамасдан ташлаб қўйса, хабар олмай, уларнинг аҳволдан умуман беҳабар бўлиб юрса, улар муҳтож бўлган нарсани бермаса, мана шунинг ўзи фарзанднинг оқ бўлишига етарли нарса экан.

Имом Ҳасан Басрий шу гапларни айта туриб, деди: «Онанинг юзига боқиш ҳам ибодатдир. Унга яхшилик қилиш нималигини билиб олаверинглар».

Ҳеч нарса қилмасдан, онанинг юзига қарашнинг ўзи ҳам ибодат. Энди хурсанд қилиш, унга бирор нарсани совға қилиш, хизматларини адо этиш, яна истакларини бажо келтириш ва бу ишларни Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилиш олий даражадаги ибодат бўлади.

Ота-онага яхшилик қилиш борасидаги ҳужжат ва далилларни жамлаб, таҳлил қилган уламоларимиз бу амал, жумладан, қуйидагилар билан юзага келишини айтганлар:

1. Уларга барча яхшиликни қилиш.
2. Юмшоқ сўз айтиш.
3. Меҳр кўрсатиш.
4. Муҳаббатли бўлиш.
5. Қўпол сўздан четланиш.
6. Уларни энг ёқимли лафзлар билан чақириш.
7. Динлари ва дунёларида манфаат берадиган гапларни айтиш.
8. Динда билмайдиган нарсаларини ўргатиш.

9. Шариат жоиз деган нарсаларга амал қилиб яшаш.
10. Уларнинг барча вожиб ва мандуб амрларига итоат қилиш.
11. Улар тарк қилишга амр этган нарсалардан ўзига зарар келтирмайдиганларини тарк қилиш.
12. Юрганда улардан олдинга ўтиб кетмаслик ёки баробар бўлиб юрмаслик. Фақат зарурат юзасидан, қоронғида йўл кўрсатиш каби ҳолатлардагина олдинга ўтиш жоиз.
13. Ота-онанинг олдига кирганда фақат уларнинг изни билангина ўтириш.
14. Ота-она билан ўтирганда уларнинг рухсатисиз чиқиб кетмаслик.
15. Ота-онадан содир бўлган нарсани, агар беморлик ёки қариллик туфайли бавл қилиб қўйишга ўхшаш ишлар бўлса ҳам қабиҳ санамаслик.
16. Ота-онанинг муҳаббатини қозонган кишиларнинг ҳурматини қилиш.

Аслини олганда, мана шу ишларнинг зиддини қилган ва шунинг натижасида ота-онасининг ранжишларига сабаб бўлган, уларнинг кўнглига озор берган фарзанд оқ бўлган ҳисобланади. Аммо ота-онага оқ бўлиш борасидаги ҳужжат ва далилларни жамлаб, таҳлил қилган уламоларимиз бу амал жумладан, қуйидагилар билан юзага келишини айтганлар:

1. Ота-она учун қилиш лозим бўлган яхшилиқни қилмаслик салбий оқ бўлиш деб аталади. Улардан бирортасини қилмаган одам ота-онасига ана шу соҳада оқ бўлаверади.
2. Ота-она фарзанди ҳақида қасам ичса, бола унга амал қилмаслиги.
3. Ота-она фарзандидан бирор нарсани сўраса, бола имкони бўлиб туриб бермаслиги.
4. Ота-онанинг омонатига хиёнат қилиш.
5. Боланинг ота-онаси унинг ҳақида Аллоҳ таолога шикоят қиладиган иш қилиши.
6. Ота-онага оқ бўлиш амалий ва каломий қисмларга бўлинади. Ота-онага гап-сўз билан озор етказганлар уларга каломий оқ бўладилар. Ота-онага бир қилмиши билан озор берганлар амалий оқ бўлади.

Шарх: Ҳазрати Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу халифа бўлиб турган вақтларида машҳур саҳобий Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳуга хат ёзган эканлар. Хатларининг маъноси: «Сен менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганларингни ёзиб юбор»дан иборат экан.

Шунда ровий Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳу ўз котиблари Варродни чақириб, «Мен айтиб тураман, сен ёзгин», деган эканлар. Варрод «Мен ўз кўлим билан ёзганман», деб таъкидлаб қўймоқда.

Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳу ўз хатларида: «Мен у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўп савол беришдан, молни зое қилишдан, қийлу-қолдан, яъни беҳуда гап-сўздан қайтарганларини эшитганман» деган хабарни берган эканлар.

Мана шу ердаги беҳуда гап-сўз ота-онага оқ бўлишга сабаб бўлгани сабабли бу ҳадис шу бобда келтирилган. Яъни ота-онага гап қайтариш, ота-онанинг ҳузурида бўлмағур гапларни гапириш оқибатида бола назардан қолиши, оқ бўлиши эҳтимоли бор.

«Кўп савол бериш» деганда ҳақни билиш, таълим олиш ёки билмаган нарсасини билиш учун бериладиган савол эмас, балки фитна қўзғаш, ихтилоф чиқариш учун, нотўғри ғаразлар учун қитмирлик қилиб, бўлар-бўлмас бемаъни саволлар беравериш кўзда тутилган.

Шунингдек, аслида воқеликда йўқ нарсаларни хаёлдан тўқиб сўрашдан ҳам қайтарганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзи йўқ нарса ҳақида сўралса, кейин воқе бўлиб қолишидан огоҳ қилганлар. Бу маънода Қуръони каримда оят ҳам бор.

Лекин билмаган нарсасини сўраб, ўрганиш зарурат, керак нарса.

Бу ҳадиси шарифда ман қилинаётган нарсалардан яна бири – молни зое қилиш. Кераксиз жойларга, беҳуда ишларга ва ҳаром-ҳаришга мол сарфлаш мумкин эмаслиги турган гап. Лекин ҳалол бўлса ҳам ҳою-ҳавасга, риёкорликка, хўжакўрсинга, одамлар орасида шухрат топишга мол сарфлаш ҳам молни зое қилиш бўлади. Чунки ҳар қандай молни исрофдан сақлаш лозим.

Бир банданинг қўлидаги мол фақат ўзиники эмас, балки унинг оила аъзолари, ўша одам яшаб турган жамиятнинг ҳам ҳаққи бўлади.

Ушбу ҳадиси шарифда ман қилинаётган нарсалардан бири – «қийлу қол», яъни одамлар орасида уларнинг гапларини «деди-деди» шаклида беҳуда гапириб юриш. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзи аниғини билмайдиган, бефойда, ғийбатдан иборат ва тўғри бўлмаган гапларни нақл қилиб юриш. Аммо гап аниқ, ишончли кишидан содир бўлган ва фойдали бўлса, уни гапириш жоиз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Олимлардан мактуб орқали маълумот олиш мусулмонларда аввалдан йўлга қўйилгани.
2. Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳунинг Ислом оламида обрўлари юксак бўлгани. Давлат раҳбарининг у кишидан савол сўраши шуни кўрсатади.
3. Олим одамлар ўзига котиб олиб юришлари мусулмонларда аввалдан йўлга қўйилгани.
4. Саволни ҳаддан ташқари кўпайтириш яхши эмаслиги.
5. Молни зое қилиш ман қилинган нарса экани.
6. Бўлмағур гап-сўзлар, «деди-деди»лар ман қилинган нарса экани.